ТАСДИҚЛАЙМАН
«Навоий ИЭС» АЖ
Ишлаб чиқариш директори
_____ Ф.И. Мирахиров
«07» 03 2025й

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

«Навоий ИЭС» АЖ нинг балансида бўлган 2-тармоқ газ қувурини алмаштиришга тавсия берилган қисми бўйича лойиҳа - смета ҳужжатларини тайёрлаш.

№	Қўйилган асосий талаблар рўйхати	Асосий талабларнинг мундарижаси
1	Буюртмачи	«Навоий ИЭС» Акциядорлик Жамияти Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Кармана тумани, Уйрот МФЙ.
2	Хизматларнинг номи ва мақсади	«Навоий ИЭС» АЖ нинг 2-тармоқ газ қувурини алмаштиришга тавсия берилган қисмини лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш
3	Хизматларни амалга ошириш учун асос	«Навоий ИЭС» АЖ ҚҚБ нинг 2025 йил манзилли дастури ва "SMARTIntegrityME" МЧЖ раҳбарияти томонидан 2025 йил 20-февралдаги238-сонли рухсат хати
4	Қурилиш тури	Модернизация
5	Асосий техник иқтисодий кўрсаткичлар	Юқори босимли ер ости пўлат газ қувури, емирилишга қарши изоляция ва электркимёвий ҳимоя тизими билан бирга. Ишчи босими: 1,2 МПа Ўтказиш қобилияти: 220000 $м^3/с$
6	Корхонанинг технологик ва иш режими талаблари	Газ қувурининг иш режими узлуксиз, суткада – 24 соат, йил давомида – 365 кун
7	Архитектура-қурилиш, режалаштириш ва конструктив ечимлар бўйича талаблар.	Лойиҳада ГОСТ Р 52568-2006 бўйича уч қатламли завод изоляция қопламали ГОСТ 20295-85 бўйича 17Г1С-У (К52) маркали, пўлатдан бўлган газ қувури кўзда тутилсин. Ёпувчи арматуралар ва электркимёвий ҳимоя тизими анод ерга уланиш жойлари атрофи метал сеткали тўсиқлар билан ўралиши кўзда тутилсин
8	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар	Ўзбекистон Республикаси амалдаги меъёрий ҳужжатлари талабларига асосан
9	Саноат хавфсизлиги бўйича муҳандис техник тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича талаблар	"Саноат хавфсизлиги" бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан
10	Ёнғин хавфсизлиги талаблари	Ўзбекистон Республикаси амалдаги меъёрий ҳужжатлари талабларига асосан
11	Хизмат кўрсатиш шартлари	Бажариладиган ишлар Ўзбекистон Республикаси ҚМҚ (ШНК) норматив ҳужжатлар ва қонун ҳужжатларига мувофик саноат ва фаолият кўрсатаётган корхоналарда лойиҳа- смета ишлаб чиқиш

		ишларини бажариш учун зарур ҳужжатларга (лицензияларга) эга бўлган лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилади.
12	Тақдим этилаётган хизматлар учун иштирокчиларига қўйилган талаблар	1. Саноат ва мавжуд корхоналарда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш лицензия ёки рухсатноманинг мавжудлиги. 2. Бажариладиган ишлар ҳажми ва турлари бўйича умумий иш тажрибаси (олдинги шунга ўхшаш ишлар учун мижозларнинг фикр мулоҳазаларини тақдим этиш). 3. Молиявий барқарорлик (молиявий ҳисоботларга мувофиқ таъминлаш). 4. Коррупцияга қарши кураш талаблари бузилишининг олдини олиш учун ёзма аризани мажбурий тақдим этиш. 5. Малакали лойиҳачи мутахассислари рўйхатини тақдим этиш.
13	Қурилиш ишларини бажариш муддати	31.12.2025 йил.
14	Иштирокчиларнинг тугалланган ишни Буюртмачига топшириш талаби	Ижрочи томонидан тақдим этилиши керак: 1. Лойиҳа-сарҳисоб ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш ҳамда керакли ҳужжатларини комиссияга топшириш. 2. Давлат экспертизаси ташкилотларидан Лойиҳа-сарҳисоб ҳужжатлари бўйича хулосасини олиш. 3. Экспертиза давомида лойиҳа ҳужжатларида аниқланган хато ва камчиликлар лойиҳа ташкилоти маблағлари ҳисобидан қопланади. 9. Уч нусхада зарур ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш билан объектни комиссияга топшириш.
15	Иш тури	2-тармоқ газ қувурини алмаштиришга тавсия берилган қисмини лойиҳа асосида алмаштириш
16	Ишнинг нархи	Ишларнинг қиймати смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг аниқланади. Тўлов амалга оширилган ишларнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.
17	Молиялаштириш манбаи	«Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан.
18	Бажарувчи ташкилот	Танлов орқали аниқланади.
19	Қўшимча талаблар	ШНК 1.03.01-08 га асосан лойиҳалаш ташкилоти буюртмачига лойиҳани 3 нусхада ва электрон шаклда тақдим этади

Изоҳ: кўрсатилган барча ҳужжатлар раҳбарнинг имзоси ва муҳрига эга бўлиши керак.

Инвестиция лойиҳалари ва қурилиш бўйича директор в.б. **К.Р. Хафизов**

ИЧТБ бошлиғи **М.Қ. Пирназаров**

ГМХУ бошлиғи **Ҳ.Н. Нуров**